

# КРЕАТИВЛИК ВА СУПЕР ФИКРЛАШ

# КРЕАТИВЛИККА ЎРГАНИШ МУМКИНМИ?





# Креативлик (ижодкорлик) тушунчаси

- ✓ Креативлик – бу нарсаларнинг аввал маълум бўлмаган тартибига янгилик кирита олиш қобилияти.
- ✓ Креативлик умуман янги тизимларни ишлаб чиқишда, маълум ахборотнинг янги комбинациясида, мутлақо янги вазиятларда илгари маълум бўлган ёндашувларнинг қўлланилишида кўринади.
- ✓ Креатив ҳаракат аввалдан ўйланган ва мақсадга эга бўлиши керак.

# Ижодкор инсон портрети

Ижодкор инсонлар уларни ўраб турган атроф-муҳитни ўрганадилар, бир хил нарса ҳодисаларни турлича кўрадилар, танқидий фикрлайдилар, таваккал қилишдан, омадсизликка учрашларидан қўрқмайдилар, муаммонинг бир неча ечимларини топишга ҳаракат қиладилар. Улар ижод билан машғул бўлиб, инноваторликка имконият излайдилар.

Dr. Larry G. Richards
Everyday Creativity: Principles for Innovative Design.



# Кўпинча ажойиб ғояларга сиз ўйлагандан ҳам эришиш осонроқдир

Биз енгилдик!

Биз буни ҳеч қачон қила олмаймиз!



# Мунозара учун:

*Қуйидаги фикрларга қўшиласизми:*

**Креативлик = инновацион фаолият ???**

**Инновация – ғояларнинг монетизацияси ???**

# Муаммонинг инновацион ечими босқичлари

Муаммони ажрата олиш → Муаммо таҳлили → Ғоянинг генерацияси → Баҳолаш → Амалга ошириш









# Креатив жараённинг тўрт босқичи



# Креатив ва мантиқий фикрлаш

| Креатив | Мантиқий |
| --- | --- |
| Саволларни излаш | Жавобларни излаш |
| Турфа хиллик | Бир хиллик |
| Турли қарашларни ўрганади | Тўғри позицияда туради |
| Реструктуризацияга қаратилган | Кўриниб турган структурани қўллайди |
| Ғоя ёрдам бера оладиган йўлларни излайди | Ғоя амалга ошмаганда сўзлайди |
| Дискрет «сакраш»ларни ёқлайди | Мантиқий қадамларни қўллайди |
| Кутилмаган ҳодисаларга тайёр | Барқарорликка эътибор қилиш |
| Очиқлик | Ёпиқлик |

# Креативликнинг алоҳида белгилари

***Концептуал тайёрлик*** – кўп ғояларни ўйлаб топа олиш қобилияти

***Психик эгилувчанлик*** - нестандарт  фикрлай олиш  лаёқати

***Оригиналлик*** -  муаммоларнинг кутилмаган ечимини топа олиш қобилияти

***Ечимларнинг асослилиги*** – ҳолатий таҳлилига тайёрлик

***Ихтиёрийлик*** – ғояни пайсалга солмай амалга ошириш истаги

***Ассертивлик*** – авторитетларга  қарши чиқишга тайёрлик

***Толерантлик*** – бошқа инсонларнинг ғояларига нисбатан чидамлилик, тоқатлилик

# Креативликнинг характеристикаси

- ***Абстракциялаш*** – мавҳум ғояларнинг моҳиятини англаш.
- ***Мувофиқлаштириш*** – ўзаро алоқадор бўлмаган нарсаларнинг алоқадорлигини кўра олиш қобилияти.
- ***Истиқболлилик*** – ҳодисаларнинг истиқболини баҳолай олиш қобилияти.
- ***Қизиқувчанлик*** – мураккаб жараёнларни ўзгартириш истаги.
- ***Журъатлилик*** – ўз креатив ечимларини ўзгалар томонидан танқид қилинишидан қўрқмаслик.
- ***Парадоксаллик*** – ўзаро қарама қарши ҳолатлар билан ишлаш.
- ***Комплекслик***– комплекс ёндаша олиш қобилияти.
- ***Қатъиятлилик*** – мунтазам ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти

# Дивергент ва конвергент фикрлаш

| Дивергент фикрлаш | Конвергент фикрлаш |
| --- | --- |
| Ечимларни излашнинг давомийлиги | Аниқлик, конкретлик, тўғрилик |
| Ҳамма ғоялар қабул қилинади | Мунтазам қиёсий баҳолаш |
| Миқдорий баҳолаш | Тез ечимлардан кочиш |
| Ғояларга асосланади | Ғояларнинг аниқлиги ва тезлиги |
| Ўзгачаликка интилиш | Мақсадга эришилганликни баҳолаш |
| Эгилувчанлик | Тугалланганликка интилиш |

# «Нима учун?» сеҳрли жумласи



# Креатив бўлиш учун…

1. Очиқ, позитив, янгиликни ижобий қабул қилувчи, болаларча қизиқувчан бўлиш керак.
2. Креативликни рағбатлантирувчи методларини қўллаш лозим: ақлий ҳужум, ишбоп ўйин ва бошқалар.
3. Буюк одамлар креативлиги ривожининг намуналари ва усулларини ўрганиш лозим.
4. Ўз-ўзини фаол бўлишига эришиш зарур.
5. Амалиёт, амалиёт, амалиёт, ҳаттоки бу сизни ўлдирса ҳам.

# Креативлик императивининг амалга ошиши

*(Таллин технологик университетининг технопарки)*




Плакатдаги гапнинг таржимаси:

Иложсиз ишни бажариш учун яна бир яхши кун


SUPER THINKING
ИНТЕЛЕКТ-ХАРИТА
РАДИАНТ ФИКРЛАШ
МАЙНД МЭПИНГ
Супер фикрлаш
ТОНИ БЬЮЗЕН
ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЛОЙИҲАЛАР ЯРАТИШ
КОНКРЕТЛАШТИРИШ



**Инсон фикрлашидан мантиқ қидираверманг, чунки фикрни ишлаб чиқарувчи мия мантиқданда устунроқ интелектуал салоҳиятга эга. Буни тушуниш учун сиз, супер фикрлаш қобилиятингизни кашф қилишингиз керак.**

***Сухроб Хидиров***




**Британиялик ака ука психологлар Тони Бьюзен ва Барри Бьюзен "Super Thinking" (Суппер фикрлаш) номли китобида инсон мияси қандай ишлашини, маълумотни қандай қабул қилишини ва қайта ишлаши хақида батафсил баён қилганлар.**

**Шунингдек улар, миянинг ишлаш принципларидан келиб чиқиб ахборотни тўғри ва сифатли қайта ишлаш, хотира машқлари хақида ҳам амалий тавсиялар ишлаб чиққан.**

# SUPER THINKING

*Тони Бьюзен*



- "Super Thinking" назариясида **интелект-хариталарига** катта эътибор берилади.
- Муаллифларнинг фикрига кўра, айнан шу восита бизнинг **радиант фикрлаш**имизни ташқи томондан аниқроқ кўрсатиб бера олади.

# Радиант фикрлаш



**Радиант фикрлаш *(ёрқин фикрлаш)*** бу - инсоннинг шундай фикрлаш тарзи (принцип)и  бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида инсон ўзининг ҳам чап ва ҳам ўнг мия ярим шарларидан фойдаланишига ёрдам беради.



# МАЙНД МЭПИНГ



**Майнд мэпинг** *(инглизча Mind map – фикрлар харитаси) – бу фикрлаш жараёнида маълумотни идрок қилиш учун қулай шаклда – мантиқий ва ассоциатив схемаларда акс эттиришнинг график усули.*

# Интеллект харитаси




Ақл (интелект) хариталари турли ҳил маълумотларни ёдлаш ва тушуниш қобилиятини оширади.

Улар мавзу бўйича маълумотларни бир бирига боғлаш орқали тўлиқ ўзида акс эттиришга ёрдам берадиган тайёр структуралар билан таъминлайди

Фикрларни баён қилишда турли ранглар, шрифт ўлчамини ўзгартириш, бўрттириш орқали маълумотларни таҳлил қилиш ва осон ёдлаш имконини беради.

**Мураккаб мавзуларни яхшироқ тушуниш**

**Фикрлашни ривожлантириш**

## АҚЛ (ИНТЕЛЕКТ) ХАРИТАСИ

**Лойиҳалар яратиш**

**Дарсларга осон тайёрланиш**

# Ақлий хариталарни тузишнинг асосий босқичлари:




## Ақлий ҳужум

Бу мулоҳаза мавзусини, яъни асосий мавзуни аниқлашга ёрдам беради. Одатда харита марказида кўрсатилган хаританинг асосий ғояси жой олади.

## Фикрлар билан бойитиш

Асосий ғоя аниқланганда, у билан боғлиқ асосий мавзуларни ажратиб кўрсатиш ва улар қисқа номларга эга бўлиши ва харита иерархиясини яратиши лозим.

## Конкретлаштириш

Бу босқичда сиз тавсифли ибораларни, эслатма ва ҳаволаларни ишлатишингиз, шунингдек харита элементларини бир-бири билан боғлашингиз мумкин. Масалан, турли даражадаги ҳар хил ғоялар, эслатма ва ҳаволалар ўртасидаги алоқаларни белгилашингиз мумкин. Бунинг ёрдамида харита янада мантиқий бўлади.

# “Жамиятнинг сиёсий муҳити” мавзусидаги интеллект-карта






# Интеллект-харита билан ишлаш учун иловалар:

- Bubble.us
- Coogle
- FreeMind
- iMindMap
- MindManager
- Mindomo
- Popplet
- Scapple
- SpiderScribe
- XMind

# Эътиборингиз учун раҳмат!

